


Касалхонада содир этилган ўғрилик

Касалхонада содир этилган ўғрилик



Судланувчи Нормуротова Сурайё (исми шарифи ўзгартирилган) ўзгалар мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2021 йил 08 сентябрь куни соат 11:30ларда туманнинг “Шаффоф” маҳалласида жойлашган, туман марказий шифохонасининг “Терапия” бўлимида ўзи билан бирга бир хонада стационар шароитда ётиб даволанаётган, Қодирова Мардаева Роила Қодировнанинг столи устида турган сумкаси ичидан, унга тегишли бўлган

390.000 сўм миқдоридаги пулларни яширин равишда талон-торож қилган.

Жиноят ишлари бўйича Музработ туман суди Нормуротова Сурайёни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топиб, зарар қопланганлиги, аёллигини инбатга олиб озодликдан махрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлади

Жиноят ишлари бўйича Музработ туман судининг раиси: Т.Абдираимов